

# АСАРУН (ВАЛЕРИАНА) ДОРИВОР ЎСИМЛИГИДА УЧРАЙДИГАН ЗАРАРКУНАНДАЛАРНИНГ ТУР-ТАРКИБИ

*Рўзиқулов Давлатбек*

ТошДАУ, катта ўқитувчи

*Рузиев Рахматжон*

ТошДАУ, талаба

[rahmatjonruziyev21@gmail.com](mailto:rahmatjonruziyev21@gmail.com)

*Айитбаева Мухаё*

ТошДАУ, талаба

*Комилова Озода*

ТошДАУ, талаба

**Аннотация:** Мазкур мақолада асарун (валериана) доривор ўсимлигининг асосий зараркунандалари түғрисида изланиши натижалари келтирилган. Асарун доривор ўсимлигига асосан, шилимшиққуртлар, тунламлар, асарун (валериана) ўсимлик бити, ширалар жиоддий зарар келтириши аниқланган.

**Ключевые слова:** асарун (валериана), зараркунанда, доривор.

Республикамизнинг ўрмон хўжаликларида асарун (валериана) доривор ўсимлиги етиштирилади. Мамлакатимизда шифобаҳаш ўсимликлар ўсадиган жойларни муҳофаза қилишга алоҳида этибор берилмоқда. Жумладан, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Зомин, Бахмал, Китоб, Яккабоғ, Қамаши, Денов, Бойсун, Узун, Сариосиё ва бошқа туманларда доривор ўсимлик ўстириш кенг йўлга қуйилган.

Бундан ташқари ботаник олимлар томонидан янги истиқболли доривор ўсимлик турлари Республикашим шароитига интродукция қилиниб, ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда.

Ўсимликнинг тарқалиши. Валериана кенг тарқалган ўсимлик ҳисобланади.. Бу ўсимлик географик тарқа-лиши бўйича (Европанинг ўрта қисми ва шарқий ареаллари) ва Шарқий Осиё (Узок Шарқ) флористик воҳаларига мансуб. Ўзбекистонда доривор Асарун (валериана)- Valeriana ficariifolia Boiss интродуцент ўсимлик ҳисобланади. Доривор валериана- валерианадошлар- Valerianaceae оиласига мансуб бўлиб, бўйи 2 м гача етадиган кўп йиллик ўт ўсимлик. “Асарун (валериана) доривор ўсимлигига учрайдиган зараркунандаларнинг тур-таркиби ва тарқалиш ареалларини аниқлаш ҳамда биоэкологиси кўпайтириш технологиси ўрганиш асосида уларни етиштириш ва зараркунандаларига қарши курашни ўз воқтида олиб бориб сифатли ва мул ҳосил олишdir. Тадқиқотимизнинг мақсади “асарун (валериана) доривор ўсимлигига учрайдиган зараркунандалари ҳамда дориворлик хусусиятларини ўрганиш, уларнинг зарарли



организмларига қарши курашда атроф мұхит учун безарар бўлган қарши кураш тизимини ишлаб чиқиш ва ушбу лойиҳани ишлаб чиқаришга тавсия қилиш ва доривор ўсимлиги экиб устириладиган майдонларни кўпайтириш, кенг йулга қуиши ва сифатли ҳамда таббий тоза доридармонлар ишлаб чиқаришдан иборатдир. Зааркунандаларини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб бордик. Тадқиқотларимиз давомида асарун (валериана) доривор ўсимликларда кўп учрайдиган ҳамда иқтисодий жиҳатдан зарари юқори бўлган зааркунандалар аниқланди. Булар тунламлар, ўргимчакканалар, ширалар, узунбурунлар, қўнғизлар, қандалалар, оққанотлар, чигирткалар ва бошқалардир.



### 1-расм Асарун (валериана) доривор ўсимлиги ширалари

**Хулоса.** Асарун (валериана) доривор ўсимлиги бўлғанлиги учун зааркунандаларига қарши кўпроқ агротехник ва биологик қарши кураш усусларидан фойдаланиш мақсадга моғиқ бўлади. Ўсимлик шираларига қарши курашиш учун эрта баҳорда олтинкўз энтомофагининг тухумларини тарқатиш яхши самара беради. Асарун (валериана) остидаги тупроққа тез-тез ишлов бериш, бегона ўтлардан тозалаб туриш керак. Асарун (валериана) экилган майдонларни ўз воқтида заарли организмлардан назорат қилиш керак..

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хўжаев Ш.Т., Холмуродов Э.А. —”Энтомология, қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ва агротоксикология асослари”. Тошкент, —Фан нашриёти. 2014
2. Холлиев А.Т., Рўзикулов Д.Н., “Доривор ўсимликлар зааркунандаларига қарши уйғунлашган ҳимоя тизими” Agro kimyo himoya va o’simliklar karantini 3 – 2020 Тошкент 2020 - Б 42-43
4. Аҳмедов Ў., Эргашев А., Абзалов А., Юлчиева М., Доривор ўсимликлар етиштириш технологияси ва экология Тошкент – 2009
5. Дусманов И., Холлиев А. Доривор ўсимликларнинг зааркунанда ва касалликларига қарши кураш. Тавсиянома. 2015.Мурдахаев Ю.М. Ўзбекистонда ватан топган доривор ўсимликлар. – Тошкент: Фан, 1984.
6. Мирзаева С.А., Азнабакиева Д., Джураева И. Ореховая плодожорка (*Sarrothripus musculana* Ersch.) - опасный вредитель в условиях Узбекистана. В кн.: Проблемы современных

интеграционных процессов и пути их решения. Сборник статей Международной научно-практической конференции: в 2 частях. 2017. С. 10-13.

